O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Мустақиллик туфайли 8 йил бурун мамлакатимизда бонг урган тараққиёт соати қалбларда абадий садо бериб туражак.

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 20 июл, СЕШАНБА | № 29 (129) | Сотувда эркин нархда

КАТТА ЙЎЛ

У қачон бехавотир ва қулай?..

Матбуотимиз ранг-баранг. Мавзулар хилма-хил. Қаламкашлар: бири иқтисодиёт, бири маънавият, яна бири ёшлар, бошқаси сиёсат, ҳуқуқ, таълим-тарбия ва тиббий мавзуларнинг «пири». Аслида журналистликка ўқимай бу касбнинг чўққиларига етишганлар қанчадан-қанча. Қалам маҳсуллари эса юқорида айтилганидай том-том, тахлам-тахлам, ранго-ранг. Телевидение ва радио ҳам ўз мухлисига асло «тинчлик» бермайди.

Хўш, ҳаётимизда «тинчиб-тинчимас», «йиқилса ҳам бир қисм тупроқ билан турувчилар» деб ном олган қаламкашлар ва улар меҳнат қилаётган оммавий ахборот воситалари материалларининг сифату савияси қай даражада? Умуман ҳамкасблар ижоди маҳсулидан мухлису-муштарийлар қониқиш ҳосил қилишаяптими? Журналистларнинг касб маҳоратидан, ҳуқуқий саводхонлигидан-чи?

Қаламкашлик фаолиятида кўп кўрганман: журналистнинг баъзи танқидий материаллари беиз кетади, эътиборсиз қолади: кўриб-кўрмаганга, билиб-билмаганга олишади. Аксарият ҳолларда эса битилган сўз ҳақиқий манзилини топиб боролмайди, дилларда титроқ уйғотолмайди. Нари борса сарлавҳаси ўқиб қўя қолинадиган материаллар оз дейсизми? Хўш, буларнинг сабаби борми? Қаламкашми, ўқувчими ёки ундан манфаатдор бўлган учинчи тарафми? (Танқидий қаламга олинган объектнинг мутасаддилари назарда тутилаяпти). Фаолиятимиз давомида номи оммавий ахборот воситасида кўкларга кўтариб мақталган номдор кишилар ва аёвсиз танқидга дучор бўлган «қаҳрамон»лар билан кўп марталаб учрашиш ва суҳбатлашишга тўғри келган. Ижобий қаҳрамонлардан деярли ҳеч ким мухбирга «Мени ноўрин мақтабсиз» дея таъна қилмаган. Айни пайтда салбий қаҳрамонлардан ҳам ҳеч бири мухбирга «Каминани тўғри танқид қилибсиз» дея хайрихоҳлик билдирмаган.

Аммо қаламкашлар орасида ҳам тўғрини эгри, эгрини тўғри ҳолда кўрадиган валломатлар топилиб туради. Ўз ҳуқуқи, бурчи, мажбуриятини билмай туриб, фаолият кўрсатаётганлари ҳам бисёр. Яқинда вилоят миқёсидаги йиғинда сўз олган бир ҳамкасбимиз дабдурустдан «Нега фалон мақолани чоп этишга рухсат қилинди?» дея мажлис раисини сўроққа тутди. Шунда мухбирнинг «Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасини ташкил этган **«Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ»** деган жумладан то ҳануз ҳабар топмаганини билиб олиш қийин бўлмади. Бироқ ҳақиқий ҳуқуқшуносларнинг касбига доир айрим ибораларни рисоладагидай қўллашдан ожизлиги ва қонунчилик этикасига беписандлигини ҳечам кечиролмадик. Биз назарда тутаётган зот балким ўз касбининг амалий жиҳатларини ипидан-игнасигача билар, бироқ «ойнаи жаҳон» орқали «Фалончи ўз уйида фалончи йигит ва фалончи қизга қўшмачилик қилди» иборасини бир эмас, бир неча бор такрорлаганини кўпчилик сезгир томошабинлар ғирт ҳуқуқий саводсизлик санашгани аниқ.

Қаламкашлик қанчалар қийин, машаққатли, шарафли ва масъулиятли касб бўлмасин, у айримларнинг наздида «тирноқ остидан кир изловчи»дир. Ҳар ҳолда қоп-қоронғу зимистон уйдан аслида йўқ қора мушукни изловчи «мухбир», «ёзувчи»лар ҳам таъкидланганидай топилиб туради. Камина шулардан бирини билади: қилар иши қилдан қийиқ ахтариш. Мажлису йиғинларда, «холис маълумот»лару ариза-шикоятларда ҳатто туғишганини ҳам аямайди. Ўша зот яшайдиган қишлоқда-ку, ҳеч кимга ором йўқ.

Бир куни шу ердаги хўжалик раҳбарига яқинларидан бири: «Унинг туҳмату маломатларига қандай чидаяпсиз, ахир, унинг таъзирини бериб қўйиш қўлингиздан келади-ку?» деб сўрабди. Раис эса: «Хайриятки, орамизда шундай одамлар бор. Ундайларнинг танқид ёки туҳмати биздайларни ҳамиша эгри йўллардан, ҳаром-ҳаришдан асраб туради. «Ёзувчи»га ем бўлмай десанг, тўғри ишла», дея жавоб берган экан. Ҳа, ҳазилнамо оҳанг эсада айтиб қўяйлик: юртга «ёзувчи»лар ҳам керак.

Истиқлол шарофати инган демократия тамойиллари ҳам сергакликка, уйғоқликка ундади, эрк ва ҳуқуқ билан бирга зиммамизга талай бурч ва мажбуриятлар ҳам юклади. Журналист учун бундай тамойилнинг аҳамияти ҳам, маъсулияти ҳам катта. Шулар назарда тутилса, давр журналисти айни пайтда зукко ҳуқуқшунос қиёфасида намоён бўлиши зарурлигини ҳам илғаб оласиз. Сафимизда ҳуқуқ мавзусида қойилмақом қилиб ёзадиган қаламкашлар унчалик кўп эмас. Бироқ замона ҳуқуқ ва қонунчилигимиздан ҳар бир қаламкашнинг бохабар бўлишини талаб этаяпти. Чинакам демократия, сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги мавжуд жамиятда қаламкашнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳаётий заруратдир. Бундан аввалам-бор, жамият, кенг ўқувчилар, мухлислар оммасига катта наф етади, қолаверса, журналистик чиқишларнинг пишиқ-пухталиги, мукаммаллиги таъминланади, ижодкорнинг қалам маҳсулига нисбатан эътироз ва норозиликларнинг пайи қирқилади.

(Давоми 3-бетда)

ҚАБИҲЛИККА ҚАРШИМАН

Муносабат

Ўзбекистон телеканали орқали намойиш этилган «Феврал воқеалари» ҳужжатли фильмини ҳиссаяжон билан кўрдим. Нафақат мен...

Аввалига кучга тўлган, Ватан тупроғида ўсган, бир ҳавосидан нафас олган, ўзбекона алла-ю, сайроқи қушларимиз «куйига» қулоқ тутган, «Чўли ироқ»ни, «Қаро кўзим»ни тинглаган одамларимиз орасида ҳам шундай кимсаларнинг қабиҳ нияти, хунук башарали жуссаларнинг туғилишига ишонгим келмади. Аммо начора... Улар шунчалик тубанлашган манкуртлар эканки, бийрон тил билан вайсақилаб, тузган режалари-ю, ниятларини айтишди. Разолат йўлини тутишибди, кечириб бўлмас гуноҳ қилишибди. Ватанидан чеккада саёқ итдек изғиб юрган, бировларнинг садақалари эвазига қалби тубанликда қолган кимсаларнинг қадами, қилмишлари, манфур башаралари намоён бўлиб қолди.

Феврал воқеалари одамларни изтиробга солди. Уларга ўша ватангадо - разиллар сабабчи бўлганлигига гувоҳ бўлдик. Оллоҳ ўз паноҳида асраган юртбошимизнинг қадрини яна бир бор ҳис этдик. Ақидапараст террорчиларнинг нафратга лойиқ ишларидан афсус чекдик.

Фильмда мудҳиш феврал воқеаларида халқига хоинлик қилганларнинг асл башаралари кўрсатилди. Дилимда бир ҳис туғён урди: «Мен, албатта, қураётган ҳуқуқий давлатимиз ҳимоячиси, адолат учун курашчи бўламан. Разил ниятли кишиларни таг-томири билан йўқ қилиш учун курашаман!»

Халқимизнинг толеи баланд экан: давлатимиз, халқимиз чуқур фикрлайдиган, узоқни кўрадиган, ёшлар тарбияси учун қайғурадиган, айниқса, меросимизни, қадриятларимизни севадиган, чет элликлар билан баробар баҳслаша оладиган билимдон инсонни бошимизга соябон қилди. Илоҳим, у кишига суиқасд қилганларнинг нияти ўзларига «ҳамроҳ» бўлсин.

Мен ўз юртимнинг бир оддий фарзандиман, аммо ожизи эмас. Халқим ва фарзандларим учун жонимни фидо қилсам ҳам, юртбошим танлаган йўлдан шаҳдам боришга, ҳуқуқий демократик жамиятни мустаҳкамлашга, нонкўр, қонунбузар, виждонини пулга сотадиганларга қарши курашишга тайёр туришга ҳозирман.

Шомаҳмуд ШОУМАРОВ,
Ҳуқуқшуносликни иккинчи касб сифатида ўрганишга киришган олий маълумотли мутахассис

Шу сонга хабар

Ҳамкорлик учрашувлари

Тошкент вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи минтақавий бўлими вилоят СПИД Маркази билан ўзаро ҳамкорликда 1999 йил 8 июлда Бўстонлиқ туманидаги «Шодлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳида, 9 июлда эса «Амир Темур» номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Ҳуқуқий маданият ва одоб-ахлоқ» масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Анжуманда Тошкент вилоят адлия бошқармаси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи минтақайвий бўлими бошлиғи Дилдош Тожибоев «Ҳуқуқий маданият ва ёшлар тарбиясидаги муаммолар» мавзусида, вилоят СПИД Маркази шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Бахтиёр Расулов «СПИД ва танносил касалликлари муаммолари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари» мавзусида маърузалар қилиб, йиғилиш иштирокчиларининг барча саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Сардор РИХСИЕВ

ИНСОН МАНФААТИ МУҚАДДАС

Ҳисобот

Республикамиз мустақиллиги туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бир қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Юртимизни жаҳон ҳамжамияти тан олганлиги, байроғимиз БМТ биноси қошида ҳилпираб турганлиги ёрқин келажагимизга далолатдир. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, қонунчилик соҳаларида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Давлат идоралари ва ташкилотлари билан бирдек кўплаб жамоат ташкилотларининг кенг фаолият кўрсатишлари учун ҳам етарлича имконият ҳамда шарт-шароитлар яратиб берилиши фуқаролар манфаатларига мос тушмоқда.

Мамлакатни ривожлантириш дастуридаги беш тамойилдан бири - аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида биринчи галда инсонга ғамхўрлик, унинг манфаатларини ҳимоя қилишни давлат миқёсидаги масала деб қаралмоқда. Ушбу эътибор Адлия вазирлиги жамоаси фаолиятида ҳам ўз аксини топган.

Адлия вазирлигида яқинда бўлиб ўтган вазирлик касаба уюшмасининг умумий ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлиги холисона таҳлил қилинди, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ишларини янада яхшилаш хусусида фикр билдирилди.

Йиғилишда вазирлик касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тайёрланган «Жамоа шартномаси»нинг лойиҳаси тўғрисида» касаба уюшмаси қўмитаси раиси Сайфиддин Раҳимов маъруза қилди. Маърузачи Узбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида жамоат бирлашмаларининг фаолият кўрсатиши учун кенг йўл очиб берилганлигини таъкидлади. 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, 1992 йил 2 июлдаги «Касаба уюшмалари уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда касаба уюшмаларининг мустақиллиги, фаолиятининг кафолатлари, умумий, мулкийва молиявий ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритди.

Касаба уюшмаси қўмитасига мурожаат қилган ходимларнинг барчаси имтиёзли йўлланмалар билан соғломлаштириш оромгоҳларига юборилди. Вазирлик маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этилган шифохонамизда ходимлар зарур тиббий ёрдам олаётганликлари учун касаллик варақалари очиб, ишга чиқмаслик ҳолатлари кескин камайди.

Дарҳақиқат, ҳар бир ходимнинг ҳаётий ташвишлари, яхши-ёмон кунлари касаба уюшмаси қўмитаси назаридан четда қолмаяпти. Ходимлар фарзандларининг ёзги таътил мавсумида болалар оромгоҳларида дам олиб келиши ташкил этилган. Маъмурият билан ҳамкорликда Меҳнат ва уруш фахрийларига доимий ва айниқса, Наврўз байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш кунида моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Спорт билан мунтазам шуғулланишни хоҳлаган ходимлар спорт-соғломлаштириш комплексларига машғулот ўташи учун бепул йўлланмалар билан таъминланган.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ютуқлар билан бирдек баъзи камчиликлар ҳам очиқ эътироф этилди. Янги сайланган касаба уюшмаси қўмитаси аъзоларига бу камчиликларни бартараф этиб, кўпроқ амалий тадбирларга киришиш тавсия этилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Файбулло Раҳимов, Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитасининг ташкилий ва оммавий-маданий ишлар бўлими мудири Камола Тошпўлатовалар иштирок этишди.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

ЮЗАКИ ҚАРАШ ВАҚТИ ЎТДИ

Томонлар ўртасида муайян мажбуриятларни зиммага олиб тузилган шартномаларга юзаки қараш вақти аллақачон ўтиб кетди. Аммо баъзи бир боқибегам раҳбарлар ҳам борки, улар мамлакатда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар тақдирига лоқайд қарашади. Ҳолбуки, юрт ободлиги, дастурхонлар тўкинлиги «буюртмачи» ва «бажарувчи» бўлиб, шартномаларни имзоловчи шахсларнинг қонунга ва фақат қонунга таянган ҳолда фаолият юритишларига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг топшириғига мувофиқ бошқармамиз ходимлари вилоятдаги бозорлар, хўжаликлар, фермерлар ва аҳоли билан фьючерс шартномаларини тузиш, уларнинг ижросини назорат қилиш ишларини ўрганиб чиқишди. Хулоса шуки, «Бозор» очиқ турдаги акциядорлар жамияти раҳбарларининг бепарволиги, шартномаларнинг қонунийлигини таъминлашга лоқайд муносабати, энг ташвишлиси, мутасадди раҳбарларнинг ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлиги туфайли деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг олибсотарлар қўлига ўтиш ҳолларига чек қўйилмаяпти.

Жумладан, жорий йилнинг июн ойига қадар 14 та бозор маъмуриятининг хўжаликлар, фермерлар ва аҳоли билан тузган 344 та шартномаси (жами 46 миллион 653 минг сўмлик) ўрганиб чиқилди. Хусусан, 10 миллион 897 минг 500 сўмлик маҳсулот учун 34 та шартномани тузишда бошқармамиз мутахассислари бевосита иштирок этишиб, ҳуқуқий-услубий ёрдам кўрсатишди. Бундан ташқари, 10 миллион 818 минг 500 сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун 45 та шартноманинг нотўғри тузилганлиги аниқланиб, шулардан 35 та (6 миллион 718 минг сўмлик деҳқончилик маҳсулоти учун) шартнома қонун талабларига мослаштирилиб, қайтадан туздирилди. Бу ишда масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахсларга тегишли қонуний таъсир чоралари белгилаш учун ҳокимликларга 16 та тақдимнома киритилди. Шунга кўра жойлардаги бозорлар мансабдор шахсларидан 3 нафарига интизомий жазо чораси белгиланди. Бир мансабдор шахс эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Жумладан, Термиз шаҳридаги «Барчиной» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли тайёрлов-савдо корхонасининг томонлар билан тузган шартномалари ўрганиб чиқилиб, уларнинг қонун талабларига мутлақо жавоб бермаслиги аниқланди. Ушбу нуқсонларни бартараф этиш ва шартнома тузишда қонун талабларини четлаб ўтган мансабдор шахсларга нисбатан интизомий чора кўриш ҳақида Термиз шаҳар ҳокимига тақдимнома киритилди. Шунга кўра мазкур савдо тайёрлов корхонаси раҳбари Э.Очилдиевга «ҳайфсан» берилди.

Бозорлар фаолиятини тартибга солиш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, қонун талабларини бузиш ҳоллари аниқланганда мансабдор шахсларга қонуний чоралар кўриш, томорқасида маҳсулот етиштирган деҳқонларнинг расталарда эркин савдо қилишини таъминлаш борасида муҳтарам Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларининг ижросини назорат қилиш зиммамиздаги энг шарафли бурч эканлигини ҳар бир дақиқада ҳис этиб турибмиз.

Юқорида тўхталганимиздек, бошқармамиз ходимлари ва мутахассислари вилоятимиздаги барча деҳқон бозорларида хўжаликлар, фермерлар ва шахсий томорқа эгалари билан фьючерс шартномалари тузишнинг қай аҳволда эканлигини чуқур ўрганишди.

Текширувлар, таҳлиллар, ўрганишлар шуни кўрсатдики, вилоятимизнинг аксарият бозорларида лоқайдлик, палапартишлик ҳукмрон. Бозор раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун уларни маълум муддат ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бозорларда шартномавий ҳолатни ўрганаётган мутахассисларимиз олдига шундай қатъий талаб қўймоқдамиз. «Билмай адашган раҳбарга услубий-ҳуқуқий кўмак беринг, қонунни онгли равишда бузган мансабдор билан эса муроса қилиб бўлмайди!»

Хулоса шуки, қонунни ҳурмат қилсак, таҳликасиз яшаймиз ва ризқимиз ҳам бутун бўлади.

Чориёр Аллаёров,
Сурхондарё вилоят Ҳокимлиги адлия бошқармаси бошлиғи

БозОР... ОЗОР БЎЛМАСИН

Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, сақлаш муддати ўтиб кетган, истеъмол қилиш учун яроқсиз бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигига зарар етказилишига йўл қўймаслик, шунингдек, озиқ-овқат товарлари савдосини ташкил этишда тартиб ўрнатиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги 378-қарори Шаҳрисабз шаҳар ва туман деҳқон бозорлари ҳудудида қандай ижро қилинаётгани ҳақида туман Давлат солиқ инспекцияси деҳқон бозорлари бўйича назоратчиси Муҳиддин ШУКУРОВ қуйидагиларни гапириб берди:

Қарор ва ижро

- Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори бозорларимизда халқимизнинг кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотларини турғун савдо нуқталарида сифатли, кафолатли сотилишини таъминлаш мақсадида давр ва эҳтиёж тақозоси сифатида қабул қилинган бўлиб, унинг жойлардаги ижроси таъминланаётганлиги оқибатида мавжуд муаммо ва камчиликлар тез фурсатда бартараф этилаётганини айтиб ўтишим лозим. Бироқ қарор бўйича ташкил этилган бир қатор чора-тадбир, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганига қарамай, айрим фуқароларимиз қонунбузарлик содир этаётгани афсуслантиради. Шаҳрисабз «Бозор» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли 8 та деҳқон бозорларида тегишли назорат идоралари томонидан жорий йил давомида мунтазам текширишлар ўтказилиб, қонунбузарларга қарши кескин чора-тадбирлар қўлланилмоқда. 3 ҳолатда 37 халта ун маҳсулотлари белгиланмаган жойда ноқонуний сотилаётгани аниқланиб, уларнинг эгаларидан 17160 сўм жарима ундирилди. 12 ҳолатда 161 кг., жами 40250 сўмлик ўсимлик ёғи сотилаётгани аниқланиб, 58 кг. 14500 сўмлик ўсимлик ёғи эгаларидан тортиб олиниб, давлат фойдасига мусодара этилди. Қолганларининг эгаларига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Шунингдек, 6 ҳолатда 138,5 кг. шакар, 114 шиша Шаҳрисабз ароғи, 3 ҳолатда 7,5 кг. чой, 1 ҳолатда 66 бутилка ҳар хил чанқовбосди ичимликлар, 3 ҳолатда 6174 сўмлик болалар озиқ-овқат маҳсулотлари савдодан олиб қўйилди ва айбдорларга тегишли жазо чоралари қўлланилди. 1999 йил 7 июл куни Шаҳрисабз деҳқон бозори атрофида «Ҳақиқат» кўчаси 6-уйда яшовчи, 1972 йилда туғилган Дилором Шарипова 30 кг. ўсимлик ёғини ноқонуний йўл билан сотаётганда ушланди. Суриштирилганда у ёлғон важ кўрсатиб, «акамнинг магазинидаги ёғни сотиб, ёрдам бераяпман» деб текширувчиларни чалғитмоқчи бўлди. Ҳақиқат қарор топиб, унинг сохта башараси очиб ташланди ва тегишли жазосини олди. Шунингдек, ўша куни Шаҳрисабз марказий бозорида Наврўз кўчаси 67-уйда яшовчи, 1960 йилда туғилган Ибодат Пўлатова ушланди. У 50 кг. шакарни рухсат этилмаган жойда ноқонуний ҳолда сотаётган эди.

Бозор бедарвоза эмас. Солиқ инспекциямиз ходимлари туман ҳокимлиги раҳбарлигида, ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда бозорларимизда истеъмолчилар ва харидорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаган ҳолда миришкор деҳқонларимиз, фидойи тадбиркорларимиз меҳнатини ҳар томонлама қадрлаб, тегишли қонун ва меъёрлар бўйича савдо-сотиқ қилишлари учун шарт-шароит яратиш йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаётир. Мақсадимиз эса ягона — адолат тарозуси бузилмасин, халқимиз дастурхони тўкин бўлсин!

Ғози РАҲМОН
суҳбатлашди

БУГУНГИ СОНДА:

«ОТАМДАН ҚОЛГАН ҚЎКНОРИ» — 2-бет

СОПҚОН — 3-бет

Маъриф - Шариф ўрисларга «ответ» қипти... — 4-бет

ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ДАЛИЛИ

«Қодир табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва гўзалликни абадий фазилат қилиб бағишлаган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар этгувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёл зотидир. Аёл табиатнинг энг буюк мўъжизаси... Бу улуғ мўъжизани яратган Аллоҳ Таолога чексиз ҳамду санолар айтиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир».

Ислом КАРИМОВ

Аёлларга берилган бундай ажойиб таъриф мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида, унга асосланган қонунларда, ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда кафолатланган имтиёзларда ҳам ўз ифодасини топган. Юртбошимиз ташаббуси билан 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилиниши аёлларга ғамхўрликнинг ёрқин далили бўлиб, бу тадбир республика хотин-қизлари ҳаётидаги муҳим воқеадир.

Конституциямизда оилага алоҳида боб ажратилиб, унда «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади» деб белгиланган. Оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши янги Оила кодексида ҳам ўз ифодасини топган. Оилавий муносабатларда аёлнинг эркак билан тенг ҳуқуқлигига, шунингдек, бу муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги оиланинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш, никоҳ ва оила муносабатларининг давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиниши каби ҳаётий масалаларни ўз ичига олади. Оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши тўғрисида давлат ғамхўрлиги Меҳнат Кодекси, Фуқаролик ва Жиноят Кодексларида, Соғлиқни сақлаш, Давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Меҳнат кодексида хотин-қизларга меҳнат қилиш, ҳақ олиш, дам олиш каби ҳуқуқий муносабатларини амалга оширишда кенг имтиёзлар берилган ва бу имтиёзларни ҳаётда татбиқ қилиниши кафолатланган.

Айниқса, янги Оила кодексида никоҳ, оилавий муносабатлар, ота-оналар ҳамда болалар ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида тўлиқ тушунча берилганки, бу билан фуқароларимиз эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, кафолатлайдиган янги қонунлар ҳаётимизга кириб келди. Фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасида Қашқадарё вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси, хусусан, ФҲДЁ бўлимларида кейинги пайтларда бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Оила йилига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширишда кенг имтиёзлар берилган ва бу имтиёзларнинг ҳаётда татбиқ қилиниши кафолатланган.



макки, аёл, аввало, она ўз фарзандини тўғри йўлга бошқариши, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиши, қизини, ўғлини кимлар билан мулоқотда бўлаётгани, бўш вақтида нима ишлар билан шуғулланаётганидан, албатта, хабардор бўлиши, уларни ҳалолликка, эзгуликка, меҳнатсеварликка ундаши керак. Бу ўринда эса турли соҳада хизмат қилаётган биз эркаклар уларга кўмак беришимиз, таянч бўлишимиз, уларга эътиборли бўлишимиз зарур. Ана шунда жиноятчиликка қарши курашган бўламиз. Қаттиққўллик, жазо, ҳукм - энг сўнгги чоралар. Ҳар бир инсон ўз фарзандининг қалбида жамиятимизга, табиатимизга, умуминсоният қонунларига зид келадиган иллатларга ўрин қолмайдиган қилиб тарбиялаши лозимки, бундай эзгуликни амалга оширишда бизнинг мустақил республикамизда маданий, маънавий асослар етарли.

Баҳодир МАҲМАТҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Аёл ва жамият

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИ НАЗОРАТДА

Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш ишига оналаримиз, опасингилларимиз муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Келажагимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтиришда уларнинг ўрни беқиёсдир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чоратадбирлар давлат дастури тўғрисида»ги қарор мамлакатимизда аёлларга қўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Мазкур давлат дастури аёл — она ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб олган.

Чуст туманлараро прокуратураси республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг фармонлари, нутқ ва маърузаларидан, ҳукумат қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошира бориб, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга эътиборни кучайтирмоқда. Аёллар йили муносабати билан корхона, ташкилот, муассасаларда суҳбатлар, кечалар ўтказилаётир. Аёллар ҳуқуқининг ҳимоясига қаратилган қонунлар ижроси, хотин-қизларнинг конституция билан қўриқланадиган шахсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари доимо прокуратура ходимларининг диққат марказида. Аёлларнинг ариза ва шикоятларига алоҳида эътибор билан қулоқ солиниб, кўтарилган масалалар қонуний йўл билан ҳал этилаётир. Масалан, Чуст шаҳрида яшовчи Маъсуда Йўлдошева прокуратурага ариза билан мурожаат этди. Маълум бўлишича, унинг турмуш ўртоғи «Зарафшон» деҳқон-фермер хўжалигида энергетик вазифасида ишлаб, иш жойида катта электр қуввати таъсиридан жароҳатланиб, вафот этган. Шу муносабат билан марҳумнинг оиласига боқувчисини йўқотганлиги учун товон пули ва нафақа берилиши керак эди. Деҳқон-фермер хўжалиги мутасаддилари бу масалани ҳал этишмаган. Ариза юзасидаан прокуратура текшируви ўтказилди ва кўтарилган масала тасдиғини топди. Прокуратура аралашуви билан М.Йўлдошевага товон ва бир йўла бериладиган нафақа пуллари ундириб берилди. Масалани ўз вақтида қонуний ҳал этмагани учун хўжалик раҳбари У.Аҳмадалиев огоҳлантирилди.

Олмос қишлоғида яшовчи Ҳаётхон Иброҳимова эса прокуратурага йўллаган аризасида ҳамқишлоғи Аропатали Оталиқовнинг безорилиги тўғрисида ёзган. Безори ҳамқишлоқ шу йилнинг 27 январ куни соат 18лар чамасида спиртли ичимлик ичиб, ўта маст ҳолда Ҳ.Иброҳимова яшаб келган уйнинг дарвозаси олдида пайдо бўлади ва синглиси Чаросхонни сабабсиз уриб, дўппослайди. Ҳаётхон ажратмоқчи бўлганида, уни ҳам уриб-тепиб, тан жароҳати етказган. Прокуратура текширувида безорининг айби исботланди. А.Оталиқовга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, суд ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Прокуратура томонидан аёллар ҳуқуқи муҳофазасига қаратилган қонунлар ижроси бўйича умумий назорат тартибида ўтказилган текширувларда ҳам аёллар меҳнати, соғлиғи ва ижтимоий ҳимоясига доир қонунларнинг бузилиши ҳолатларига дуч келинди. Жумладан, туман соғлиқни сақлаш тизимларида оналик ва болаликни ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси текшириб кўрилганда, профилактика ишларининг қониқарсизлиги, санитария қоидаларига риоя этмаслик, туғруқ ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ишларида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни ва тегишли меъёрий қоидалар талабларига етарли амал қилинмаслиги, уларнинг 88 фоизи турли экстрогенитал касалликларга дучор бўлганлиги аниқланди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 2 нафар ҳомиладор она оламдан кўз юмган. Прокурор қарорлари билан қонун бузилишига сабабчи бўлган тиббиёт ходимларидан 6 нафарига нисбатан интизомий, 5 нафарига эса маъмурий ва бошқа тегишли жазо чоралари кўрилди.

Туман марказий шифохонасида аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳам қўпол равишда бузилаётгани аён бўлди. 1999 йил ички тартибда интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш кўзда тутилган. Бироқ шифохонанинг Замира Ғаниева, Зулхумор Усмонова, Рислиқо Абдувалиева каби ходимларини интизомий жавобгарликка тортишда ана шу тартиб бузилган. Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 181-моддасига зид равишда иш тутилгани сабабли туман соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири тасдиқлаган, марказий шифохона бош ҳакимининг 74-сонли буйруғи прокурор томонидан бекор қилинди ва қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида протест киритилди. Бош ҳаким З.Рустамовга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси» қоидаларига амал қилинишининг аҳволи ҳам доимо прокуратура назоратида. Бироқ, прокуратурага келаётган шикоят-хатларда айрим эркаклар аёлларни ҳурмат қилмай, уларга нисбатан қўпол муносабатда бўлаётгани, ҳатто дўппослаб уришгача борилаётгани баён этилади. Прокуратурада ана шундай хатларнинг бирортаси эътиборсиз қолдирилмайди. Хатларнинг бирида Олмос қишлоғида яшовчи Дилшод Рустамовнинг ўз хотини Мўътабар Жамоланинг арзимаган сабаб билан уриб, жароҳат етказгани, кейинчалик бу аёл оламдан ўтгани маълум этилади. Прокуратура томонидан ушбу ҳолат бўйича Д.Рустамовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тергов якунига кўра туман суди уни 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Шунингдек, Чуст шаҳрида яшовчи О.Хусанов, Р.Хасанов, Шўрбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи М.Калоновлар ҳам ўз аҳли аёлларига нисбатан қўполлик қилишгани, ўртадаги меҳр-оқибатнинг йўқолиши туфайли уларнинг оилаларида мунтазам равишда жанжаллар чиқиб тургани, низолар кейинчалик жиноий ҳаракатларга сабаб бўлгани хатларда баён қилинади. Прокуратура аралашуви билан ана шу бемеҳр ва шафқатсиз эрларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Аёлларга бундай қўпол муносабат кечириб бўлмас ҳолатдир. Аёл — уй бекаси, меҳрибон она. Кундалик турмушимизда унинг муносиб ўрни бор. Унга меҳрибонлик кўрсатиш, оғирини енгил қилиш керак. Энг муҳими, аёллар умидимиз бўлмиш фарзандларимизни тарбиялаш ва камол топтиришда жонларини фидо қиладилар. Шундай экан, мунис ва муштипар аёлларимизга меҳрибон бўлайлик.

Фахриддин БОЙЗОҚОВ,
Чуст туманлараро прокурори, адлия маслаҳатчиси

Халққа енгиллик йўлини кўрсатингиз, машаққатли, оғир йўлга бошламангиз, халққа қувонч бахш этингиз, нафратлантирмангиз.

Ҳадисдан

«ОТАМДАН ҚОЛГАН КЎКНОРИ»

Варганза хўжалиги Қашқа воҳасида анор етиштириш бўйича жуда машҳур. Шунга кўра қишлоқ аҳлининг асосий қисми ҳам ширин-шакар анор етиштириш билан шуғулланиб, мамлакатимиз бозорларини обод қилиб келади.

Аҳмаджон Саидовнинг касби ўқитувчилик бўлсада, кейинги вақтда тижоратга ружу қўйди. У дастлаб ҳамқишлоқларидан, қолаверса, қўшни қишлоқлик деҳқонлардан арзонроқ нархда анор олиб, бошқа туман ва вилоят марказидаги бозорларда қимматроқ нархда сотиш билан шуғуллана бошлади. Унинг савдоси бу борада дастлаб анча юришди, лекин бора-бора омад уни бу соҳада ҳам қўлламади. Шундан сўнг Аҳмаджон пул топишнинг бошқачароқ йўлини излади...

Декабр ойи бўлса-да, ерда қор йўқ. Аммо танани жунжуктирадиган совуққина табиатда қиш фасли ҳукмрон эканлигини эслатиб туради. 11 декабр куни Аҳмаджон Саидов шериги Бойназар Жўраев билан Китоб автошоҳбекатига етиб келганида қуёш найзага кўтарилган, аммо изғирин юзларни аёвсиз чимчиларди. Иккала шерик автобусдан тушиб, «энди нима қиламиз, қаерга борамиз» дегандек бир-бирига қараб олишди. Шунда Аҳмаджон шеригининг қўлидан тутиб, унга бирон нарсани кўрсатмоқчидек чеккароққа бошлади ва анчадан буён кўнглида тугиб юрган гапини маслаҳатомуз унга айтди.

- Бойназар ука, кўраяпсан ҳаво ҳам совуб қолди.

Ҳарқалай қиш ҳавоси бир нарса деб бўлмайди. Совуқда сотиш ҳам кўп юришмайди. Айниқса, мева-чева савдо майда иш, кунбўйи оёқда туриш керак. Шунинг учун ҳам бозори чаққонроқ, даромадлироқ ишга қўл урсак. А, лаббай?!

- Сиз нима десангиз шу ака! Биз сизга бир эргашувчи одаммиз, - деб Бойназар унинг маслаҳатига қўшилгандек бўлди-ю, лекин гап нима ҳақдалигини билмай, ҳовлиқиброқ савол берди.

- Нима қиламиз дейсиз?

- Кўкнори олиб сотамиз, - деди Аҳмаджон бамайлихотир.

Кўкнори сўзини эшитиб, шериги баттар довдиради:

- Бу ёмон нарса-ку! Қўлга тушсак...

- Э, ҳовлиқма, бу ёғини ўзим ўйлаб қўйганман. Омонқўтонда танишим бор. У шу нарсани ўзи топиб беради. Керак бўлса, шу ерга олиб келиб ҳам беради. Шаҳрисабзда сотиб оладиган одам ҳам тайёр. Сен менга фақат ёнингдаги пулингни бериб, ўзинг ҳамроҳ бўлсанг бўлди, деб шеригини тинчлантирди Аҳмаджон.

Гапни бир жойга қўйган икки шерик Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Қизилтурк қишлоғида яшовчи таниши Нормаҳмат Ҳоликовнинг уйига етиб келганларида вақт пешинга яқинлаб қолганди. Нормахматни уйдан тополмай, тўғри у ишлайдиган мактабга боришди. Меҳмонлар домла билан қисқа салом-алик қилиб, дарҳол муддаога ўтди. «Домла, меҳмондорчилик ҳам бўлаверади, лекин ишимизнинг ҳам эртачироқ битгани маъқул. Бизга «доридан» керак». Домла «дори» сўзини эшитиб, маъносига дарҳол тушунди-ю, лекин Аҳмаджоннинг шериги Бойназарга шубҳали назар ташлади.

- Кўрқманг домла, бу киши ҳам ўзимиздан - бир жойданмиз, бизга шогирд бўлади, - деди Аҳмаджон.

Аҳмаджон билан бундан олдин ҳам икки марта «дори» олди-бердиси пинҳона бажарилгани учун домла кўп шубҳага бормади.

- Яхши, - деди у. - Ҳозирча бу зормандадан ўзимда йўқ экан-да! Танишлардан топилади-ю, аммо баҳоси баландроқ бўлади-да.

- Баҳосига гап йўқ. Топилса бўлди! - деди Аҳмаджон.

Хуллас, шу куни кечга яқин домла ўзининг ҳамқишлоғи Нормаҳматдан 50 грамм «Опий» гиёванд моддасини топиб, «меҳмонлар»га 15000 сўмга сотишда воситачилик қилди. Хизмат эвазига Н.Холиқов 450 сўм берди.

Ўзаро келишувга кўра шу олинган 50 грамм «Опий» гиёванд воситасини Китоб туман автошоҳбекатига қадар олиб бориб беришлик Н.Холиқов зиммасига юкланди. Хизмат ҳақи эса шу гиёванд воситаси пулланганда сўнг бериладиган бўлди.

12 декабр куни Н.Ҳолиқов ўзига юклатилган вазифани бажариб, Китоб автошоҳбекатига етиб келганида вақт тушга яқинлаб қолганди. Аҳмаджон ҳам кўп ҳаялламай келишилган вақтда шу жойда пайдо бўлди. Эндиликдаги вазифа 50 грамм «Опий» сотиб олиш, Нормахаматни махтал қилмай улушини тезда бериш эди. Чунки Аҳмаджон ва Бойназарлар учун Нормахамат тоғдан ошиб мезбондан меҳмонга айланган эди.

Аҳмаджон ва Бойназарлар Шаҳрисабз шаҳридаги танишлари Қудратга «Опий»ни сотаётганларида туман ички ишлар бўлим ходимлари томонидан қўлга олиндилар. Нормахмат ҳам ушлаб келиниб, сўроқ қилинганида у бу нарса бундан икки йил муқаддам вафот этган отасидан қолганлигини, падари вафотидан олдин хасталаниб, шу нарсадан истеъмол қилиб келганлигини айтиб, айбни марҳум зиммасига юклади. Начора, марҳумларни тергаб бўлмайди. Судланувчиларнинг содир қилган жинояти суд мажлиси терговида тўла ўз тасдиғини топди. Қашқадарё вилоят судининг ҳукми билан судланувчилар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 272-моддаси 2-қисми билан айбли топилиб, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар. Уларга тегишли мол-мулк давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Алабатта, ушбу мақоладан мақсад бир жиноят тафсилотини баён қилиш эмас, балки жиноят йўлига кириб бораётган шахслар ҳаракатига ҳам баҳо беришдир. XX аср вабоси бўлган наркобизнеснинг ривожланиб бораётганлиги бутун дунё халқларини ташвишга солиб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Энг ачинарлиси, баъзан дуппа-дуруст, ўқимишли одамлар ҳам бу бало домига кириб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби эса осонлик билан мўмай пул топиш ва бойлик орттириш касалидир. Хўш, бунинг давоси борми? Албатта бор. Бунинг учун фақат маъмурий органлар эмас, балки бутун жамоатчилик ҳамда маҳалла аҳлининг ҳам эътибори бу ишга жалб этилиши лозим. Чунки маҳалла фаоллари шу ҳудудда яшайдиганларнинг ҳаракатига эътибор билан қараб борса, адашганларни ўртага олиб, тўғри йўлга бошласа, аминмизки, бу турдаги жиноятларнинг олди олинган бўларди.

Б.СУЮНОВ,
Қашқадарё вилоят судининг судьяси

Ҳукм ўқилди, аммо...

ЖИНОЯТ ИШИМИ ЁКИ ФУҚАРОЛИК ИШИ?

Халқимизда «Текин тешиб чиқади», деган гап бор. Фирибгарлик, алдаш йўли билан бировнинг мулкига кўз олайтириш жиноят. Жиззах вилояти Пахтакор туман суди фирибгарликда айбланган С.Исаев ишини кўриб чиқди. Сафар Исаев 1995 йил 7 декабр куни таниши Баҳодир Жовбўриевнинг уйига меҳмон бўлиб келиб, тижорат қилиш учун ундан пул сўрайди.

Жовбўриев «пул бор, лекин бу пулга Пайариқ туманидан уй сотиб олмоқчиман» дейди. Сафар акаси билан қурган уйларини сотиш нияти борлигини айтади. Хуллас, орадан 2-3 кун ўтиб учрашадилар. Сафар ўз акасининг уйда йўқлигидан фойдаланиб, унинг уйини кўрсатади ва 500.000 сўмга келишадилар. 14 декабр куни С.Исаев Баҳодир Жовбўриевнинг уйига келиб уй учун тўплаган 490.000 сўм пулини олади. Судланган С.Исаев жабрланувчи Жовбўриевдан олган пулга ВАЗ-2103 маркали автомашина ва 3 тонна томат пастаси сотиб олади, қолган пулни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади.

С.Исаев юқоридаги содир қилган жиноий ҳаракати учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми «а» банди билан айбланиб, 11 йил озодликдан маҳрум қилинган... Ҳукм ўқилди, жиноятчи тегишли жазосини олди. Аммо ҳамма иш рисоладагидек бўлиб, бу жараён тўлиқ очиб берилдими, адолат озор чекмадими?

Пахтакор туман суди ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати Умар Сувоновнинг суд бирёқлама ҳукм чиқарганлиги, фуқаролик жараёнида кўрилиши лозим бўлган иш жиноят ишига айлантирилганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишар эканмиз, синчков судьяларимиз назаридан оғриқли нуқталар четда қолмадимикин, деган андишага борамиз.

Арнасой туман суди ишни биринчи бўлиб кўриб, 1998 йилнинг 28 июлида ишни қайта терговга бериш ҳақида ажрим чиқарган.

Ажримда айтилишича, ***биринчидан,*** Сафар Исаев Баҳодир Жовбўриевдан 490.000 сўм пул олгани Жовбўриев кўрсатмасидан ташқари бошқа гувоҳлар ва ҳужжатлар билан тасдиғини топмаган.

Иккинчидан, Сафар Исаевнинг тилхатида 490.000 сўм пул қарз олгани, вақтида қайтара олмагани ёзилгану, лекин унда уй тўғрисида гап йўқ.

Учинчидан, унинг акаси Фазлиддин Исаев номи билан боғланган тилхатига имзо чекканлар уй сотилиши учун 490.000 сўм пул олди-бердисини кўришмаганини, Фазлиддин укасини қамоқдан чиқариш учун тилхат беришга мажбур бўлганини айтишган.

Тўртинчидан, суд мажлисида гувоҳлик берган Пайариқ туман ички ишлар бўлими ходимлари Ҳасан Туропов, Лапас Турғунтошев, Турсунқул Абдуллаев ва бошқаларнинг айтишича, Сафар Исаев мазкур туман ички ишлар бўлимида 5 кун ноқонуний ушланган ва қўлидан мажбуран тилхат олинган, лекин бу ерда уй сотиш ҳақида эмас, қарзга 1400 АҚШ доллари олингани ҳақида гап борган.

Бешинчидан, С.Исаев қарзга олган пулга 3 тонна томат пастаси олиб Қозоғистонга тижорат мақсадида боргани ва Жовбўриевнинг жияни Шароп Қодиров унга «тоғамга пулни ўзим тўлайман» деб томатни олиб қолгани учун банкротлик ҳолатига тушгани, буни гувоҳлар ҳам тасдиқлаган. Арнасой туман суди ана шуларни ҳисобга олиб, терговнинг тўлиқ ўтказилишини лозим топган. Бироқ Арнасой туман прокурорининг хусусий протести Жиззах вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатида қаноатлантирилиб, Арнасой туман судининг ажрими бекор қилинди ва иш янгитдан кўришлик учун Пахтакор туман судига юборилди. Адвокатнинг Жиззах вилоят суди президиумига ёзган аризаси рад қилинди. Нега шундай бўлди?

«Жиззах вилоят суди томонидан Арнасой туман судининг ушбу жиноят ишини қайта терговга қайтариш ҳақидаги ажрими бекор қилиниб, ишни янгитдан судда кўриш учун юборилиши ўз-ўзидан келгуси судга ҳукм чиқариш учун кўрсатма деб биламан, - дейди Умар Сувонов, - чунки Ўзбекистон ЖПКнинг 495-моддасига кўра юқори суднинг кўрсатмалари қуйи судлар учун мажбурийдир».

Ушбу жиноят иши муқаддам Жиззах вилоят судида кассация ҳамда назорат тартибида кўриб чиқилганини эътиборга олиб, иккинчи маротаба бу босқичларда холисона кўрилишига шубҳа билдириб, жиноят ишини бошқа вилоят судининг ҳайъатида кўриб чиқиш асосларини маълум қилиб, Республика Олий Судига юборилишини сўраган.

Қизиғи шундаки, С.Исаев ўзининг дастлабки тергов давридаги биринчи кўргазмасидан то шу бугунги жараёнгача берган кўргазмасида бир хил — жабрланувчи Баҳодир Жовбўриевдан 1995 йил 15 декабрда тижорат қилиш учун 490.000 сўм қарз олганлигини, лекин баъзи сабабларга кўра бу қарзни қайтариб беролмаётганини тан олиб келган. Жабрланувчи Баҳодир Жовбўриев ўзининг 1997 йил 29 декабрда Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи номига ёзган аризасида ҳам, Арнасой туман судида берган кўргазмасида ҳам С.Исаевга 490.000 сўм пулни қарзга берганини айтиб, шу пулни ундиришга ёрдам сўраган. Пайариқ туман суди раиси А.Назаровнинг мазкур туман ички ишлар бўлимига 1998 йил 3 мартда ёзган алоқа хатида кўрсатилишича, 6 варақдан иборат тўпланган материаллар ичида бу ариза ҳам бўлган.

Баҳодир Жовбўриев Сафар Исаевга қарз берган пайтда ундан ҳеч қандай тилхат олмаган. Пулни Исаевга берганини ҳеч ким кўрмаган. Агар С.Исаевнинг Жовбўриевнинг пулини алдаб ўзлаштириш мақсади бўланда эди, пул олганини тан олмай кетиши мумкин эди. Чунки унинг Жовбўриевдан пул олганини ҳеч ким исботлаб беролмасди. Шунинг учун С.Исаевда ҳеч қандай ғараз ният бўлмаган дейишга асос бор.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорининг 13-бандида ***«Фирибгарлик-алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки мулкий ҳуқуқини текин қўлга киритишга йўналтирилган ҳаракат эканлиги судларга тушунтирилсин. Ушбу жиноят фақат қасддан ва ғараз мақсад билан содир этилиши мумкин, баён қилинганлардан келиб чиқиб, узрли сабабларга кўра қарзни ўз вақтида қайтармаган ва ўзганинг мулкини текинга қўлга киритиш мақсади бўлмаган шахснинг ҳаракатини фирибгарлик деб баҳолаб бўлмайди»*** дейилган.

Дарвоқе, шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, адвокат У.Сувоновнинг эътирозида жон бор.

(Давоми 4-бетда)

Самарқанд вилоят Пайариқ туман ИИБ халқ посбонлари ризқ-рўзимиз бўлган ғалла ҳосилини нобудгарчиликларсиз ўз вақтида йиғиштириб олишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) участка нозири Б. Ҳамдамов, ҳайдовчи Н. Назаров ва ДАН нозири Ё. Қосимовлар ҳосилни нобудгарчиликларсиз манзилга етказиш бўйича фикрлашмоқдалар. Ўнгдаги суратда эса туман ИИБ Давлат ёнғиндан сақлаш назорати катта нозири С. Собиров ишчилар Н. Ашуров ва А. Исмоиловлар билан.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

КАТТА ЙЎЛ

(Боши 1- бетда)

Ваҳоланки, айрим ҳамкасбларимизнинг баъзи чиқишлари жиддий эътирозу норозиликлар, ҳатто ҳуқуқ бузилиши ҳолларига сабаб бўлаётгани сир эмас. Хуллас, давр журналисти том маънодаги ҳуқуқий саводхон, зиёли қиёфасида намоён бўлмоғи фарз ва қарздир.

Айтилган сўз - отилган ўқ. Унинг қайга ва не сабабдан отилишини англашдан ожиз қолган қаламкаш наинки ўз боши, балки ўзгаларнинг ва ҳаттоки, эл-юртнинг бошини ҳам ғавғо-маломатларга рўпара этади. Бунинг оқибати эса ўша мўътабар минбарнинг мавқеи, обрўйи ҳам дарз кетишига, ишонч ва ихлоснинг сустлашувига олиб келади. Ҳозирги талабчан мухлисингизни сенсация ёки сохта обрў учун битилаётган сирти ялтироқ, ичи қалтироқ мақола ва чиқишлар билан ҳам овута олмайсиз. Улар девор ортида кўча борлигини сиздан олдинроқ кўришади ва кимлигингизни ўзингиздан аввал айтиб беришади.

Журналист ва у меҳнат қилаётган жамоанинг обрўси чиқишларнинг ҳаққонийлиги, мантиқийлиги, мазмун ва моҳияти билан ўлчанади. Қаламкашнинг арзимасгина ҳафсаласизлиги, касб маҳоратининг етишмаслиги, мавзуга, масалага нисбатан юзаки ёки нохолисона ёндашуви унинг ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийин аҳволга солиб қўйиши турган гап.

Мисол учун, республикамизда номдор ва баобрў нашрлардан саналмиш **«Ҳуррият»** газетасининг шу йил 7-13 апрел сонида чоп этилган **«Хоразмда қонун нечта?»** сарлавҳали мактуб ва таҳририят изоҳини синчиклаб ўқиган киши айнан шундай хулосага келиши тайин. Унда мактуб муаллифи - К.Рўзиматов ўзига тегишли низоли уйни суд дастлаб уники, кейинчалик даъвогар С.Дўстчоновники, дея эътироф этганини маълум қилиб, «қонун ягона эмас»лигидан нолийди. Бундай таъкид таҳририят изоҳида ҳам мавжуд.

Ҳа, бундай ҳоллар юз бериб туради. Бироқ шикоятчи К.Рўзиматов ҳамда уни ҳимоя қилаётган таҳририят йўл-йўлакай ишга қўшиладиган янги ва сўнгги ҳужжатлар, далил ва исботлар асосида иш кўрган қўйи суднинг қарорига амалдаги қонунларга мувофиқ фақат юқори судлар эътироз билдириш ҳуқуқига эга эканлигини унутган кўринади.

Муаллиф «Судьялар нотўғри қарорга имзо чекишга қандай қилиб журъат этишади?» дея нолиб савол беради. Судьянинг қарорига бундай баҳо беришнинг ўзи нотўғри. Унга баҳони юқори турган ёки Олий Суд беришга ҳақли.

Мақола боис даъвогар К.Рўзиматовга асоссиз равишда давлат божи тўлаш таклиф этилгани масаласи ҳам ўрганиб чиқилди. Аён бўлдики, газета бу масалада ҳам ноҳақ. Чунки Ўзбекистон Республикаси **«Давлат божи тўғрисида»**ги Қонуннинг 1-моддасидаёқ «Ўзларининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилар, деб ҳисобланадилар» дея аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарорида эса бож миқдори, шу жумладан, кассация ва назорат тартибидаги шикоят (қарорнинг «ж» банди) учун ундириладиган бож ставкалари белгилаб берилган. Ваҳоланки, газета мақоласида бу хусусда қуйидаги жумлалар битилган: ***«...Айтишингизча, ...10 фоиз миқдорида давлат божи тўлашингизни ўқтирибди?! Қизиқ, сиз юридик шахс эмас, балки жисмоний шахссиз. Агар юридик шахс мақомига эга бўлганингизда эди, юқоридаги суммадан 10 фоиз миқдорида бож тўлашингиз лозим эди ва унда иш янглишмасак, умумий судда эмас, хўжалик судида кўрилган бўларди. Боз устига, сиз Олий судга даъво аризаси бераётганингиз йўқ, балки жавобгар сифатида кассация шикояти йўллаяпсиз, давлат божи тўлашингиз керакми-йўқми? Биз айни шу савол билан бир қанча ҳуқуқшуносларга мурожаат этгандик, улар ҳам елка қисиб ҳайронлигини билдирди. Тааж-жуб?»***

Чиндан ҳам тааж-жуб. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги қонуннинг илк саҳифасида битилган юқоридаги жумла мавжудлигини билмайдиган «ҳуқуқшунос»лар ҳам борлигидан тааж-жуб. Таҳририятнинг айрим ходимларига ҳуқуқий саводхонлик малакаси етишмагани камлик қилгандай, давлат божини кимлар тўлаши, кимлар эса тўлашдан озод этилишини билмайдиган ношуд қонуншунослар маслаҳатчилик қилишига нима дейсиз? Бунисини ҳам қўя туринг: мақолада шикоятчининг Олий Судга йўллаган аризаси вилоят суди судьяси (бир жойда Сапаязов, бошқа жойда Санаязов деб битилган, бунисидан ҳам тааж-жуб) Р.Сапаязов томонидан қабул қилиб олинганлиги ва орадан икки ой ўтгачгина муаллифга «тушунтирилгани» баён этилади. Вилоят суди девонхонасида сақланаётган ҳужжатлар эса бу воқеани қуйидагича изоҳлайди: К.Рўзиматовнинг кассация шикояти вилоят судига 1999 йил 14 январда келиб тушган ва унда 660 сўм давлат божи тўланганлиги факти ҳам қайд этилган. Судья Р.Сапаязов аризани ўрганаркан, муаллифга давлат божи миқдори 96 минг 96 сўм бўлишини ва уни 20 январгача тўлаши зарурлигини уқтирган.

Бироқ Рўзиматов божнинг қолган қисмини тўламаган. Шундай бўлса-да, мазкур иш 1999 йилнинг 11 февралида Республика Олий судига юборилган. Ўз навбатида Олий суд давлат божи етарлича тўланмаганлигини назарда тутиб, ишни вилоят судига қайтарган. Қайтарилган иш 23 март куни вилоят судига келган. Иш айнан бож тўланмаганлиги учун қайтариб юборилганлиги эса даъвогарга 25 мартдаёқ тушунтирилган. Бор гап шу.

Вилоят суди Рўзиматовга «йўл-йўриқ»ни газета мақоласида ёзилганидек, орадан 2 ой ўтиб эмас, балки тегишли маълумот олинганидан 1-2 кун ўтмаёқ тушунтирмоқда. Қизиқ. Далилларни бўяш ёки ростни ёлғонга дўндириш кимга ва нимага зарур? Бу билан таҳририятни фактларни қасддан ёки кўра-била туриб сохталаштирганликда айблаш фикридан йироқмиз. Лекин ҳарна қилгандаям, мазкур масалада айрим ҳамкасбларимизга ҳушёрлик, синчковлик, ҳафсала сингари сифатлар, энг асосийси ҳуқуқий саводхонлик ва салоҳият етишмаётгани кўриниб турибди.

Бизнингча, қаламкаш учун ҳуқуқий савиянинг сув билан ҳаводек зарурлиги айланганлигини **«Халқ сўзи»**дай мўътабар газета ижодкорлари ҳам дилдан туймоқлари даркор. Негаки, бу борадаги қатор саёзликларни мазкур газета саҳифаларида ҳам яққол кўрасиз. Шу йил 3 апрел куни газетада **«Тўрт йиллик можаро»** сарлавҳали мақола чоп этилди. Эмишки, газетага шикоят билан мурожаат қилган фуқарога иморат қуриши учун имкон берилмаётган, тегишли ер участкаси ажратиб берилмаётганмиш. Муаллифнинг таъкидлашича, можарога 4 йилдан буён нуқта қўйилмаётган экан. Газетанинг оддий фуқаро қалбига қулоқ тутиб, унинг манфаатлари ҳимоячиси сифатида жон куйдираётгани таҳсинга лойиқ. Бинобарин, ҳар нарсанинг ўз расамади бор.

Далилларнинг кўрсатишича, мухбир О.Ражабов шикоятни ўрганишга деярли вақт сарфламаган. Шикоятчининг сўзига қараганда, «қош қўяман деб, кўз чиқарган», воқеани ипидан игнасигача тадқиқ ва таҳлил этган мутасадди-мутахассисларнинг хулосасига қараганда эса «мушукни думба билан саваш»га монанд «хайрли иш»нинг бошида турган. Келинг, сўзимизни исботлайдиган далилларга ўтайлик. Мақолада хўжалик бошқаруви ва фуқаролар йиғини ...га иморат қуриш учун 1995 йилда ер участкаси ажратиб бергани, кейинчалик бу жойни шикоятчининг қўшниси ўзбошимчалик билан эгаллаб олгани батафсил баён этилади. Қўшни билан можаро сабаб иморат қурилиши бошланмайди. Ва можаролар бир-бирига уланиб кетаверади. Мақола мазмуни ана шундай.

Бироқ муаллиф эътиборидан четда қолган далиллар, воқеалар ҳам талайгина. Чунончи, шикоятчи фуқарога ер участкаси амалдаги қонун-қоидага хилоф тарзда ажратиб берилгани масаласи мухбирни кўпам қизиқтирмайди. Ҳақиқий факт эса шу: шикоятчининг оиласига муқаддам 2 та, яъни 1979 йили 1300, 1989 йили эса 600 квадрат метр саҳнли уй-жой майдонлари ажратиб берилган. Оила ҳар иккала участкага иморат қурган. Ўша пайтда мазкур 2 та кенг мўл ҳовлида атиги 5 киши, эр-хотин ва уларнинг 3 нафар фарзанди истиқомат қилган. 1995 йилга келиб эр-хотиннинг ажрашиб кетгани боис қишлоқ фуқаролар йиғини, хўжалик бошқаруви ва туман ҳокимлиги уларга юқоридаги низоли ер участкасини инъом этишган. Эътибор бераяпсизми?! 5 нафар киши учун 2 та ҳовлига қўшимча учинчиси ҳам тортиқ этилаяпти? Бу нимаси? Ҳокимга холвами?

Кўриниб турибдики, шикоятни ўрганган газета мухбирлари О.Ражабов ва С.Авазов масалага етарлича эътиборсиз ва ҳуқуқий масъулиятни тўла ҳис этмаган ҳолда ёндашганлар. Натижада бир -икки сониялик суриштирувнинг ўзидаёқ ойдинлашуви муқаррар бўлган бошқа бир ҳақиқатнинг юзига ҳам лой чапланган. Мақолада номи ёмонотлиққа чиқарилган туман ҳокимининг муовини Р.Собиров мухбирлик пунктимизга зорланиб сим қоқди. Унинг айтишича, мақолада номи «Революционная» деб кўрсатилган кўча аллақачон ўзгартирилиб, туман ҳокимининг 1993 йил 13 январдаги 5-сонли қарорига биноан Паҳлавон Маҳмуд деб юритила бошлаган. Ажабо, мухбирлар бу ғалати номни қайдан топа қолишдийкин?

«Журналист суриштируви»да мухбирнинг ҳуқуқий билими ҳаминқадарлигини кўрсатувчи яна бир ҳолат мавжуд. Муаллиф судни ўзининг 1995 йилги қарорини то ҳануз ижро этмаганликда айблайди. Маълумингизким, мазкур суд мажлиси шикоятчининг аризасига кўра ўз томорқасида қўшниси қурган қўрани бузиб ташлаш ҳақидаги талаби асосида ўтказилган ва илтимоси қисман қондирилган, шу юзадан чиқарилган қарор эса ўшандаёқ тўла ижро этилган эди. Демак, ишга ўша 1995 йилиёқ нуқта қўйилган ва ҳаракатдан олиб ташланганди. Бироқ шикоятчининг қўшниси суд қарорини бажарса-да, қонунни ўзга йўллар билан бузишда давом этади. Бу ҳолат туман прокуроринг назарига тушади. Натижада прокурор судга мурожаат қилиб, ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишни талаб этади. Суд ўша низоли ерда қурилган иморат пойдевори ва қўрани бузиб ташлаш юзасидан прокурорнинг даъвосини ўринли деб топади ва тегишли қарор қабул қилади.

Лекин қарорнинг ижроси Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик-процессуал Кодекс»нинг 352-моддасига мувофиқ шикоят назорат тартибида кўриб бўлингунга қадар кечиктирилади. Ҳозир иш назорат тартибида кўрилган ва суд қарори тўла ижро этилган. Ҳамкасбимиз айни шу масалада чувалашиб қолган. Яъни 1998 йилнинг охирида чиқарилган қарорни «пайқамай» қолиб, судни 1995 йилдаёқ ижро этилиб кетган қарорни ижро этмаганликда айблаган. Башарти, мухбир мазкур ишнинг мағзини чақа олганида эди, балки ҳеч кимга на иссиғи, на совуғи сезилмайдиган ушбу мақоланинг битилишига аслида ҳожат ҳам қолмаслигини уқиб оларди. Шунда вилоят суди масъул раҳбарининг шаъни ва қадр-қимматига оғир ботувчи сўзлар ҳам газета саҳифасига чиқмай қолган бўлурди.

Афсуски, журналист ҳуқуқий савиясининг саёзлигидан далолат берувчи бундай материалларга маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳам кўпроқ дуч келаси. Вилоят телевидениеси ботбот **«Фалончининг уйидан диний китоблар»** ёки бўлмаса **«милтиқ, ўқ-дори»** топиб олинди дея такрорлайдиган жумлаларнинг тегишли бандига **«тақиқланган»** ё бўлмаса **«берухсат асралаётган»** сўзлари қўшилса олам гулистон эмасми? Ўқувчи ва мухлислар «Питнак сут» ҳиссадорлик жамияти фаолиятига нисбатан газетанинг ижобий, Хоразм телевидениесининг эса ўткир танқидий муносабатидан кейин эса гарангсиб қолишди. Негаки, бирида кўкларга кўтариб мақталган, яна бирида эса боплаб таъзири берилган битта жамоа ҳақидаги материал газетада ҳам, «ойнаи жаҳон»да ҳам деярли бир вақтда эълон қилинди. Ана шундан сўнг ўқувчи ва мухлислар кимга ишонсин? Газета ҳақми, «зангори экран» ҳақми? Битта фактга икки хил кўз билан қараган мухбир акалар бу саволларга қандай жавоб беришаркин? Хуллас, буниси ҳам ҳуқуқий савиянинг бечораҳоллиги, масалага нохолисона ёндашилганидан нишона эмасми?!

Ҳуқуқини билганнинг ошиғи олчи. Том маънода маданийлашган, мустақил ҳуқуқий демократик жамиятда яшаётганимизга ҳеч ким шак келтиролмайди. Мамлакатимизда ўз фикрларини эркин ва беистиҳола ифода этиш учун ҳар бир фуқарога, айниқса, қалам аҳлларига кенг йўл очилган. Бу борадаги чеклаш ва тақиқлашлар эса аллақачон йўлдан олиб ташланган. Лекин маданий жамият кишиси нени демоқ, нени эса демоқдан тийилмоқни ҳам яхши билиши керак. Шаккоклик, масалани етти ўлчаб бир кесмаслик, ўзгалар шаънини қадрламаслик, инсон қалбини тингламаслик, фаолиятда холисона йўл тутмаслик каби иллатлар бугунги демократик матбуотимиз учун тамомила ёт нарса. Журналист қўлга қалам олиб, сўзга шайланаркан, ҳамиша холисликка, беғаразликка талпинмоғи керак. 30 йилча муқаддам қўлга илк бора қалам олаётган чоғимда раҳматли пири-устозлардан бири каминага «Журналистика — катта йўл. Унда ўта билимдон, ҳақ сўзи қиличдай кескир инсонлар юради. Ўзига, илмига ишонмаганлар бу йўлга кирмайди, болам» дея ўгит берганди. Бу ўгитнинг қудратини энди сезиб турибмиз.

Абдулла СОБИРОВ,
журналист

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мазкур мақолани узоқ мунозара, мушоҳада ва мулоҳазалардан сўнг чоп этишга жазм этдик. Чунки ҳақиқат ва адолат баҳсларда туғилади, дейишади-ку! Шундай бўлса-да, кўнгилдан минг хил ўй ўтди. Мақола чоп этилгач, ҳар хил миш—мишларга сабаб бўлмасмикан?! Биров «Ишлаган хато қилади-да, ишламаган-чи?» деса, биров «Ахир, беайб парвардигор» дейиши тайин. «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим куяди. Тил куйса куйсин, дил куймасин!» деганларидек, биз Леонардо да Винчининг «Хато-камчиликларини яширган дўстдан, уларни очиқ айтгувчи рақиб яхшироқдир» деган ўгитига амал қилдик.

Мақсад битта: бунёд этилаётган ҳуқуқий демократик инсонпарвар жамият қуришда ҳамкорликда фаол қатнашмоқлик, юртбошимиз юксак ишонч билдирган тўртинчи ҳокимиятнинг ўрни ва салоҳиятини кўтаришдир. «Тегирмонни лойқа сув бузади, одамларни ёмон сўз бузади». Шундан огоҳ бўлайлик. Бинобарин, «Халқ сўзи»даги «Тўрт йиллик «можаро»» мақоласида ҳам, «Ҳуррият» газетасида босилган «Хоразмда қонун нечта?» сарлавҳали мақолада ҳам ва «Катта йўл»да ҳам жамиятимиз тараққиётига тўғаноқ бўладиган айрим оғриқ нуқталаларга даво изланган. Бунда на ҳасад ва на қасдга ўрин бор?! Алининг майдони барчага баробар-да!

Хатлар ва фактлар

«БОБОЖОН, МОМОЖОН, КЎЧАДА ҚОЛДИРМАНГ БИЗНИ!»

(«Инсон ва қонун» 26-сон, 1999 йил 29 июн)

Газетамизда Хатирчи туман Э.Абдиев номидаги жамоа хўжалигида яшовчи Г.Пардаеванинг икки боласи билан эридан қолган уйни ўз қайнона-қайнотаси билан талашиб юрганлиги ҳақидаги хати босилган эди. Мақолада, муаллиф хати асосида туман суди ўз қарорининг ижросини таъминламаганлиги ҳақида ҳам кескин танқидий фикр билдирилган эди.

Куни кеча мақола юзасидан тубандаги жавоб хатини олдик:

«Хатирчи туман суди фуқаролар Н.Эшимов ва Н.Эшимоваларни низоли уйдан чиқариш ва Г.Пардаевани мазкур уйга киритиш ҳақидаги қонуний қарорининг ижросини 1998 йил 8 октябрдаёқ таъминлаган. Суд ижрочиси Т.Собиров ижрони амалга оширган.

Аммо даъвогар Г.Пардаева уйга эгалик қилгандан сўнг кўчиб келиб жойлашиш ўрнига, эшикни қулфлаб кетиб қолган ва маълум вақт ўтгандан кейин Эшимовлар пайт пойлаб мазкур уйнинг эшигини ўзбошимчалик билан очишиб, қайта жойлашиб олишган. Г.Пардаевага кейинги ҳолатда ички ишлар идораларига мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилишига қарамасдан, у ушбу қонуний йўлни тутиш ўрнига судларни ўз қарори ижросини таъминламаганликда айблаб, аризалар битавериши ноўриндир. Бу ҳақда аризачига такрорий равишда тушунтирилди.

И.БЕРДИҚУЛОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси бошлиғи»

ТАҲРИРИЯТДАН:

И.Бердиқуловнинг жавоби бизни тўла қаноатлантирди. Ҳуқуқий асосланган тўғри муносабат билдирилган. Хатирчи туман судининг ўз қарори ижросини ўз вақтида таъминлаганлиги борасида ҳам ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмаганлигини қайд этамиз.

Ариза муаллифи Г.Пардаеванинг воқеа тафсилотини бир тарафлама, барча ҳолатларни борлигича битмаганлигини ҳам ҳуқуқий онг ва маданият тўла етишмаганлигига йўямиз ва узрли деб ҳисоблаймиз. Суд қарори билан қонунлаштириб берилган уйда болаларингиз билан яшашингиз таъминланишига, ўзбошимчалик билан сизнинг уйингиз дахлсизлигини бузганларга ички ишлар идоралари тегишли чора кўришига шубҳамиз йўқлигини билдирамиз.

Энди мақоламизда кўтарилган энг муҳим жиҳат қолди: «Оқибат!» Дилбанд, жигарбандларнинг аждодларига, момобоболарнинг ўз зурриётларига, келиннинг умр йўлдошини дунёга келтирганлар, фарзандларнинг «оппоқдадаси» ва бувижонларга оқибати... Буниси энг муҳими.

Ўтганларнинг руҳи шод бўлсин!

ГЕОРГИЙ САРКИСЯНЦ

Ҳуқуқшунослар жамоаси ва фани оғир жудоликка учради. Тошкент Давлат юридик институти кафедраси мудири, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор **Георгий Павлович САРКИСЯНЦ** узоқ давом этган касалликдан сўнг 74 ёшида вафот этди.

Г.Саркисянц 1925 йил 4 августда Тошкентда, хизматчи оиласида дунёга келди. 1947 йилда Тошкент юридик институтини тугатгач, прокуратура идораларида хизмат фаолиятини бошлаб, айни чоқда ўриндошлик асосида Тошкент юридик мактабида Жиноят жараёни курсидан дарс бера бошлади. Сўнг аспирантурада ўқиди, 1953 йилда юридик фанлари номзоди, 1967 йилда юридик фанлари доктори илмий даражаларини олиш учун диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1953-1959 йилларда у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати аъзоси бўлди, адвокатура ва нотариат бўлими бошлиғи лавозимида ишлади, кассация ва назорат инстанциялари судлари фаолияти устидан текширув функцияларини амалга оширди. Амалиётни назария билан бирга йўналтириб, Тошкент Давлат юридик институтида, Тошкент молия-иқтисод институтларида ўқитувчилик қилди. 1969 йилдан ТошДУнинг юридик факультети, кейинчалик эса Тошкент Давлат юридик институти Жиноят процесси кафедрасига мудирлик қилиб келди.

300 га яқин илмий ва оммабоп профессор Г.Саркисянц қаламига ишлар мансуб. У уч жилдлик, йирик илмий тадқиқот - «Ўзбекистон давлатчилиги ва ҳуқуқи» тарихининг асосий муаллифларидан биридир. Саркисянц томонидан кўплаб рисолалар, ўқув-услубий қўлланмалар, жиноят процессига оид дарсликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралар фаолияти ва криминалистикага оид мақолалар чоп этилган. Унинг бир қатор ишлари Россияда, Украинада, Ҳиндистонда ва яна бошқа хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилиниб, чоп этилган.

Георгий Павлович юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда ғамхўр инсон эди. Унинг раҳбарлигида 30 дан ортиқ номзодлик, 5 та докторлик диссертациялари ёқланган. Георгий Павловичнинг шогирдлари беҳисоб ва элга танилганлари бисёр.

Г.Саркисянц республика қонун яратувчилик амалиётида, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, янгиларини яратиш ишида фаол иштирок этган олим эди. У мустақил республикамизнинг Жиноят процессуал кодекси, «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлари муаллифларидан бири, Республика Олий суди, Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий ва ўрта махсус вазирлиги қошидаги илмий-консултатив кенгашларнинг доимий аъзоси, ИИВ Академиясининг профессори ҳам эди.

Ҳуқуқшунослик илми ривожига қўшган катта ҳиссаси, янги қонунчилик ҳужжатларини яратиш ва юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги хизматлари инобатга олиниб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилган, қатор ҳукумат мукофотлари соҳиби эди. Йирик ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи, беғараз устоз, дўст - **Георгий Павлович САРКИСЯНЦ**нинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланажак.

Адлия вазирлиги,
ТДЮИ жамоаси,
бир гуруҳ дўстлари,
ҳамкасблари

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти 1999-2000 ўқув йилига «Криминал ҳуқуқ» (20) ва «Хусусий ҳуқуқ» (20) мутахассисликлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати: бакалвр даражасига эга бўлган шахслар учун - 2 йил; дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар учун - 1 йил.

Ҳужжатлар Тошкент Давлат юридик институтида (Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35) 1999 йилнинг 30 июлигача қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 132-05-97 (Қабул комиссияси).

Бу ҳангома асли Узун туман марказий касалхонаси Тиш касалликларини даволаш поликлиникаси врачи Т.Боймирзаевнинг касалхона маъмурияти рухсатисиз Сариосиё тумани деҳқон бозорида тиш касалликларини даволаш ва тиш қўйиш хонаси очиб олганидан кейин бошланган эди. Ушанда туман марказий касалхонаси бош врачи У.Эгамбердиев:

— Тошмуҳаммаджон, ё бизда, ё хусусий тиш қўйиш хонангизда ишланг, беморлар сизни иш жойингиздан тополмай норозилик билдиришяпти, — деган эди. Шунда Т.Боймирзаев «Мен билан ҳазиллашманг» дегандай қўрс жавоб қилади.

Т.Боймирзаев давлат рўйхатига олинмаган корхона очиб ҳам бош ҳакимга дўқ уриши ажабланарли эди. Кейинчалик Т.Боймирзаевнинг бу хатти-ҳаракатлари Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари томонидан ўрганилди, хусусан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг 1998 йил 28 апрелдаги 02/359 хатида шундай жумлалар мавжуд:

«Туман марказий шифохонаси маъмурияти томонидан Т.Боймирзаев бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай, у комиссия ишлаётган жойга келмаган ва комиссия аъзолари уни излаб уйига ва Сариосиё тумани деҳқон бозоридаги корхонасига ҳам бориб топишолмаган. Ниҳоят, Т.Боймирзаевнинг иштирокисиз иш бошлашга мажбур бўлишган. Т.Боймирзаев бир неча йилларидан буён системали равишда меҳнат қонунларини бузиб келган ва бир неча бор раҳбар ходимларнинг оғзаки ва ёзма огоҳлантиришларини эътиборга олмаган».

Шундай қилиб Т.Боймирзаев туман ва вилоят соҳа мутасаддиларига бўйсунмагандан кейин 1998 йил 17 январда у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида Узун тумани марказий шифохонаси бош врачининг буйруғи чиқди.

Ҳангоманинг асосийси шундан кейин бошланди. Т.Боймирзаевни «Ишга тиклаш ва бекор юрган пайтлари учун иш ҳақи ундириш ҳақида»ги аризасини дастлаб Денов суди судьяси П.Жумақулов кўрди ва ҳамма ҳолатларни ўрганиб, даъвони рад қилди. Бундан Т.Боймирзаевнинг фиғони фалакка чиқди. Ахир Сурхондарё вилояти суди раиси Н.Сатторов унга бегона эмас эди-да!..

Султон суягини хўрлатмас, деганларидек шу йилнинг 25 мартида Н.Сатторов раислигида вилоят суди раёсатининг мажлиси бўлиб — «Денов шаҳар судининг 1998 йил 21 майдаги даъвогар Т.Боймирзаевнинг жавобгар Узун туман марказий касалхонасига нисбатан «Ишга тиклаш ва бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги» фуқаролик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қарори бекор қилинсин», деган мазмунда ажрим чиқарилади.

Қонун нуқтаи назаридан эмас, оддийгина андиша юзасидан ҳам қариндошинг иши кўрилаётган мажлисга Н.Сатторов раислик қилмаслиги лозим эди. Лекин...

Иш иккинчи марта Денов туман суди раиси И.Қалқонов раислигида кўрилиб, Т.Боймирзаевни ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун 75932 сўм пул ундириб бериш ҳақида 10 июнда қарор чиқади. Ҳали бу қарордан ҳам томонлар норози, иш яна бошқа туман судида кўрилса керак...

Т.Боймирзаев чўкаётган киши хасга ҳам ёпишади, деган маънода шикоятбозликни авжига чиқарди. Текшир-текширдан безор бўлган — 27 йил шифо масканларида ишлаган, 12 йилдан буён Узун туман марказий шифохонасида бош врач бўлиб ишлаб келаётган Умарали Эгамбердиев ўз аризаси билан ишдан кетди. «Бир текширишди, далиллар исботини топмади. Икки текширишди... Ахир бунақада иш бўладими?»

У.Эгамбердиев берган ҳужжатларга кўз ташлаймиз.

Узун туман прокурори, I-даражали ҳуқуқшунос Э.Аъзамовнинг хатида шундай дейилади:

«Фуқаро А.Хидиров ва Т.Боймирзаевлар томонидан вилоят прокуратурасига ва «Адолат тарозиси» газеталарига ёзилган шикоят аризалари бир неча марта текширилиб, тегишли органларга ва ариза муаллифларига жавоблар берилган.

Узун туман марказий касалхонаси бош врачи У.Эгамбердиевнинг мансабини суиистеъмол қилиб, РАФ маркали 90-39 номерли машинани ноқонуний сотган деган даъво нотўғрилиги ва собиқ амбулатория биносида содир бўлган ёнғин вилоят суди судьяси Денов туман суди судьяси бошқача, шу суднинг раиси бошқача изоҳлаб, қарор чиқаришяпти. Бу гапларни эшитиб бир латифа эсга тушади.

Афандининг қўшниси қози экан. Бир куни афанди ўша қўшнисининг уйига шошилиб кириб:

- Қози бобо, иккаламизнинг сигирларимиз шохлашиб, сизники бизнинг сигирни қорнини ёриб қўйибди! — дебди.

Қози ўғлига «Токчадаги қизил китобни келтир» дебди. Сўнгра китобга қараб:

- Энди қўшни, бу молнинг иши, менга даъво қилолмайсиз, — дебди.

Мулзам бўлиб чиққан Афанди бир фурсатдан кейин яна қайтиб кириб:

- Қўшни, боя мен адашган эканман, бизнинг сигир сизнинг сигирингизни қорнини ёриб ташлаган экан, — дебди. Шунда қози ўғлига «Токчадаги кўк китобни ол» дебди-да, китобни варақлаб:

- Қўшни, сигирнинг хунини тўлайсиз! Қонунда шунақа ёзилибди, — деган экан.

Масала-ку, битта. Лекин вилоят суди қизил китобга, Денов туман суди судьяси кўк китобга, туман суди раиси сариқ китобга қараб фол очишаяпти-ю, фурсатдан фойдаланган Т.Боймирзаев эса бошқаларнинг тинчлигини бузиб, сопқонидан тош отиб ётибди.

Балки, шунга айтармикан, мўлжалга отилмаган сопқон ҳам бетга, ҳам кетга тегади, деб...

Аҳлиддин НУРАЛИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз

Ажаб савдолар

СОПҚОН

ёки ечими топилмаётган жумбоқ

Ғани МЎМИНОВ

Бухоро вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида кўп йиллар хизмат қилган Ғани Мўминов 1999 йил 10 июл куни вафот этди.

У 1948 йилда Бухоро вилояти Ғиждувон туманида таваллуд топди. 1977 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлади.

Хизмат фаолиятини 1973 йилда Навоий шаҳар судида суд ижрочиси вазифасидан бошлади, 1973-1979 йилларда Бухоро шаҳар, Ромитан туман ҳуқуқий маслаҳатхоналарида адвокат, 1979-1982 йилларда Ромитан туман прокуратурасида терговчи, 1982-1986 йилларда Ғиждувон туман судида судья, 1986-1992 йилларда Бухоро вилоят суди аъзоси, 1992-1997 йилларда Шофиркон туман судининг раиси, 1997-1999 йилларда Бухоро вилоят адлия бошқармасида етакчи маслаҳатчи ва бўлим бошлиғи лавозимларида, 1999 йил май ойидан Ғиждувон туман давлат нотариал идорасида ишлаб келди.

Ғ.Мўминов ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги, кишиларга ғамхўрлиги ва самимийлиги билан касбдошлари қалбидан жой олди. Ўз билими ва куч-ғайратини инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишлади.

Ғани Мўминовнинг ёркин хотираси қалбимизда абадий қолади.

Бир гуруҳ дўстлари

Ҳукм ўқилди, аммо...

ЖИНОЯТ ИШИМИ ЁКИ ФУҚАРОЛИК ИШИ?

(Боши 2-бетда)

Албатта, бировнинг пешона тери эвазига, яхши ният билан тўплаган пулини йўқ қилиш, совуриш бели оғримаганнинг нон ейишидек гап. Буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Сафарнинг фожиаси ҳам ана шунда. Лекин инсоф юзасидан қарайдиган бўлсак, бутун эътибор қандай бўлмасин Сафар Исаевни фирибгарга чиқаришга йўналтирилганга ўхшайди. Бунинг учун биринчи галда 1400 АҚШ доллари 490.000 сўмга айлантирилди. Нимага? Бунинг учун даъвогар долларни қаердан, қай йўл билан топдинг, деган саволга жавоб бериши керак эди. Бунинг ҳам йўли топилган. 5 кунлик ғайриқонуний ҳибсда Пайариқ тумани ИИБ бошлиғи муовини, милиция майори Бахтиёр Примов томонидан керакли тилхат ёздириб олинди. Фақат бу билан кифояланмасдан, «мол аччиғи-жон аччиғи» қабилида Сафарни қамоқда чиритаман, деган пўписа билан унинг акаси Фазлиддин Исаевдан ҳам гувоҳлар иштирокида унинг ҳовлисини 500.000 сўмга олди-сотди қилишди, судга келиб бу гувоҳларнинг биронтаси ҳам уй учун тўланган пулни кўрмаганликларини, олди-сотди тазйиқ остида қилинганини айтишди.

Дарвоқе, Пахтакор туман суди ҳукмида мазкур уй ҳақида гап ҳам бўлган эмас. Пайариқ туман суди томонидан мазкур туман ички ишлар бўлимига жўнатилган 6 варақдан иборат материалларнинг бир қисми жиноий иш жилдида йўқ. С.Исаевни 5 кун Пайариқ туман ички ишлар бўлимида ғайриқонуний сақлангани факти, гувоҳлар ва ҳатто ички ишлар бўлими ходимлари Ҳасан Туропов, Лапас Турғунтошев, Турсунқул Абдуллаев ва шу даврда 5 сутка Сафар Исаев билан бир ҳибсхонада ётган 10 сутка маъмурий жазо олган Мансур Худойбердиев, С.Исаевнинг опаси Холида Қўчқорова ва поччаси Аҳмад Қўчқоровларнинг берган кўргазмалари нега эътиборсиз қолдирилган?

Пайариқ туман ИИБ участка нозири Комил Тоғаев айтганидек, Б.Жовбўриевнинг аризаси асосида тўпланган материаллар фуқаролик тартибида кўриш учун дастлаб Пайариқ туман судига юборилган экан. Бу кейин жиноий ишга айлантирилган. Жиноий иш жилдини варақлар экансиз, шу ва шу каби саволлар жавобсиз қолганга ўхшайди.

- Бу саволларга жавоб излаш менга айниқса, қиммат-га тушди, - дейди Пайариқ туман ички ишлар бўлимининг собиқ ходими, милиция капитани Турсунқул Абдуллаев, - Сафар Исаевнинг ИИБ ҳибсхонасида ғайриқонуний ушлаб турилгани билан қизиққаним, адолатни тиклашга уринганим учун мени обрўсизлантиришга интилишди. Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси собиқ бошлиғи Т.Муротходжаевнинг 1998 йил 1 апрелдаги буйруғига кўра «штат лавозими қисқариши муносабати билан туман ИИБ эксперт-криминалистика гуруҳининг эксперти вазифасидан» бўшатилдим. Ҳатто бошқа иш таклиф қилишни ҳам эп кўришмади.

- Сафар Исаевнинг ҳаракатида фирибгарлик йўқ, - дейди милиция майори Лапас Турғунтошев, - у 1400 АҚШ доллари қарзга олганини ҳеч қачон яширган эмас. Чув тушгани учун вақтида қайтаролмагани ҳам ҳақиқат. Лекин 1400 АҚШ долларини 490.000 сўмга айлантириш, ўртага уй олди-бердисини ёпиштириш кимларгадир керак бўлиб қолди. Оқни оқ, қорани қора дейиш керак. Суд ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни ҳимоя қилиши керак.

Биз асло Сафар Исаев айбсиз демоқчи эмасмиз. У шубҳасиз айбига яраша жазо олиши шарт. Лекин қай йўсинда. Буни адолат тарозиси белгилайди.

Ялғош САРИЕВ,
журналист

«ТРУБА»ЛАРГА ҚАРҒА ҚЎНГАНИ УЧУН ТЎЛОВ!

Аччиқ данак

Сурхондарё вилояти Денов тумани А.Темур номидаги жамоа хўжалиги «Ёшлик» маҳалласи аҳли туман газлаштириш идорасидан ана шундай «талабнома» олишибди.

Бу қишлоқ 1995 йилда газлаштирилган бўлиб, одамлар хурсандчиликдан дўппиларини осмонга ирғитишган. Сал ўтмай қувурлар оғир дардга чалинди, қаттиқ шамоллаб, асорати - кўкйўтал қолди. Ҳар йили эрта кузданкеч баҳоргача «уҳ-уҳ»лаб, газ ўрнига ҳаво чиқариб ётаверди. Газ идораси эса «йўтал пули»нинг чўталини чиқариб олаверишдан эринмади. 1999 йил бошидан қишлоқ аҳли ажойиб мусиқа овозидан ҳузур қила бошлади. Бўш трубаларга қарғалар қўниб, тирноқ-тумшуқлари билан «турт-ки»лаганда, ғаройиб даранглаган овоз чиқарди ва қишлоқ уйларини «обод» қиларди. Аёллар газнинг бадбўй ҳидидан қутулишиб, мароқ билан тезак ёқишиб, унинг хушбўй ҳидидан баҳраманд бўлишди. «Газчи»лар эса ҳамон қарғанинг торига айланган «труба»лар учун аҳолидан пул ундириб, «қағиллатиб» санаб ётишибди экан. Д.Ҳайитов, Р.Бойқулов, Ч.Ҳайитов каби ўнлаб эркак, Х. Тошқулова, О.Бегматова, И.Ҳакимова каби қўплаб аёллар бу ҳақда таҳририятимизга нома битишиб, «садағанг кетгур сассиқ газ, анқисанг ҳам хонадонларимизга кел, пулим қуйган газим деб хушнуд қутиб олардик, мусиқа чаладиган қувур учун пул тўлагимиз йўқ» мазмунида арз қилишибди.

Муаллифларга маслаҳатимиз — газ идорасидагиларга «трубачи қарғалар сизнинг штатда турмайди, ҳақ пули сўрашингиз нотўғри» деб айтинг.

Балким инобатга олишар. Ҳар ҳолда бир латифани Денов туман мутасаддиларига эслатиб қўйиш жоизга ўхшайди.

«Кабобпаз Насриддинни тутиб олибди.

- Кабоб ҳидидан ҳидладинг, пулини тўла, - дебди.

- Ҳўп, - дебди Насриддин. Чўнтагидан бир ҳовуч танга олиб, кабобпазнинг қулоғи остида роса «жаранглатибди».

- Мана, истаганингча «жаранг»ини олавер, қайтими ҳам керак эмас, - деб қўшиб қўйибди».

Аччиқ данак аччиқ-да, а, лаббай?!

Беҳзод НОРМАТОВ
тайёрлаган

Дом... (йўғ-е!) Дам олиш саҳифаси

Сайёлгоҳ ГУРУНГЛАРИ

Ўзингизни қитиқлаш шарт эмас

«ЖЎЛЛИК»ДАН БОШҚА ЯХШИ ГАП ҲАМ БЎЛГАНДИ-Я, ОҲИ!

Ёки «Маъриф - Шариф» ўрисларга қандай «отвечать» қилгани ҳақида

Ако Шариф: - Қара-я, сани «жўллик» деду-ми?

Маъриф: - Ҳа, «жуллик» деди.

Ако Шариф: - Ҳм... (жаҳли чиқиб, шиша бошлайди). **Қани, манга пешвоз қил уни, ҳозир мангалайини қашқа қилмасам...**

Маъриф: - Қизишмангда, ако, у одам яхши гап ҳам қилганини айтай-да, оҳи!

А.Ш.: - Шундайми? Қани-қани!

М.: - Атрофга бирам оламон тирбанд бўлдики, қўяверасиз. Ҳалиги киши мани уларга кўрсатиб, бу «негадой» деди. Ҳа, у мани, бу йигит гадой эмас, деб мақтади. Тарафимни олди. Ғуруримни сарбаланд қилли, ҳа!

А.Ш.: - Балли, падарига раҳмат. Хўш, яна нима гаплар бўлли?

М.: - Бир шапмўйловли харидор келди. Каттакон киши. Тоғликларнинг энг зотдор ҳангиси ҳам уни кўрса ҳанграмай қўяди, ишонаверинг ака! У нархи-баҳони сўраб туриб, атрофдагиларга мени мақтади.

А.Ш. - Нима деб?

М.: - «Парень маленький, но гавнестай» деди.

А.Ш.: - Бу нима дегани?

М.: - Мани кичкина бўлса ҳам мол, инок эмас дегани-да, оҳи, шуни ҳам билмадингиз-а, ако Шариф? (Гавнестай сўзи форс-тожик тилида «мол эмас» дегани)

А.Ш.: - Ҳа, яхши, яхши...

М.: - Тағин бир мункайган кампиршо келли денг. Савдомиз келишмади. Бўш келмадим-да! Кампир бошини чайқай-чайқай, мени «нахол» деди. Ҳа, дедим, ҳали ёшман, нав-ниҳолман, дедим.

А.Ш.: - Хўб айтибсан, яхши кампир экан, бир ҳовуч майизни бепул инъом қилсанг бўларди-я!

М.: - Берардим. Бошқа биттаси хафа қиллида, ако!

А.Ш.: - Нима қилиб?

М.: - Орага суқилиб, менга чақчайганича «грёзний» деди. Мани чечен деб ўйлади чамаси. Йўқ, дедим, грёзний бу чеченидан, маники «Бухоро-Ўзбекистон» дедим. У дўхтир-пўхтирми, бир бало экан. «Сен қаторилар армияга юрибду, сан дизинтир» деди. Ман унга, дўхтиримиз Мамашоевдан испаравкам бор, дизинтир эмасман, соппа-соғман, ичим ҳам... жойига, дедим.

А.Ш.: - Бал-э, боплабсан. Бўлдими?

М.: - Йўқ, яна бор. Бир ўзун қора кўйлак кийган соқолтой келди. Бир қора қопга жун тиқилган дейсиз. Фолбинлик қилли. Манга қараб, «безбожник» деди. Бу нима дегани дейсизми? Божаси йўқ дегани-да!

А.Ш.: - Сан нима дединг?

М.: - Топдингиз, ахир, уйланмаган бўлсам, менда божа нима қилади, дедим. Аммо сиз қаёқдан билдингиз, қойил-ей, десам, ҳассасини силтаб жўнаб қолди.

(Давомини кинода кўргансиз)

Шумгурунгнинг қайчиланган қисмини саватдан топиб оққа кўчирувчи
Мулла САЙИЛГОҲИЙ

МУМКИН... ЛАР

Лукма

Кўпчилик газета ва журналларнинг сўнгги саҳифасида (баъзан олдинда) «Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин» деган эслатмага кўзингиз тушади. Бу билан матбуот нашри нима демоқчи, қайси мақсадни кўзламоқчи, нимани уқтирмоқчи? Бу сўзга ҳожат борми? Субъектив фикрлар мавжудлигини биров рад этяптими? Гарчанд шунчалик эслатиш жоиз экан, ҳеч қурмаса бирор марта «Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин эмас» деб бирор сон нашр этинглар, барака топгурлар! Илтимос, бир марта бўлса-да, фикринглар бир жойдан чиқа қолсин!

ЭСЛАТМА:

Таниқли киноактёрлар Толиб ва Шерали Ҳожиевлар кинони суратга олиш жараёнида бошидан ўтказган антиқа саргузаштлар билан «Сайилгоҳ гурунглари»нинг келгуси сонларида танишасиз.

«МАНСАБДОРЛАР» МАШВАРАТИ

(Ҳажвий ҳикоя)

Малик бу шаҳарда ҳали янги... Хизмат вазифасига кўра яқинда кўчиб келган. Шу боис борди-келди қиладиган танишлари ҳам кўп эмас. Унинг кўнглидан бордими, бўлим бошлиғи Бўриев тўсатдан таклиф қилиб қолди:

- Бир қулинг ўргилсин базми-жамшидимиз бор! Хоҳласанг бирга олиб бораман...

- Малик ичидан қувонса-да, аммо сиполик учун сиртига чиқармади.

- Қанақа «базми-жамшид»? Тўй-пўй борми?

- Йўқ, шунчаки ёшликдаги оғайнилар. Бирга ўқиганмиз. Ҳаммаси ҳозир кимсан, казо-казо одамлар! Мусофирсан, танишиб олсанг, зарар қилмайсан, деябман-да...

Малик елка учирди.

- Унчалик бўлса, майли...

Белгиланган кун такси машинаси уларни шаҳарнинг қоқ марказидаги «Қоракўз» оромгоҳига олиб бориб ташлади. Ўтириш шу масканда бўлаётган экан. Малик машинадан тушиб атрофга боқди. Ҳавода ошқозонни қитиқловчи ҳид анқирди. Тепадан мусиқа садолари эшитиларди. Теварак-атрофни эса турли хорижий маркадаги машиналар - «Шаҳзода», «Мерседесс-Бенс», «Қоплон», «Хонда», «Тойота»лар босиб кетган. Ҳатто узун ва ялтироқ «Лимузин» ҳам кўзга ташлангандек бўлди.

Малик «Вой-бў, зўр-ку!» дегандек шеригига қараб қўйди. Бўриев мағрурланган кўйи унинг тирсагидан тутиб ичкарига бошлади.

Зиёфатхонада эса қизғин суҳбат қиёмига етган, қаҳ-қаҳа авжида эди. Сигарет тутунидан шифтда кўкиш парда ҳосил бўлганди. Бўриев ўзларига пешвоз чиққанлар билан ўпишиб кўришиб, қолганларга «ҳавойи салом» қилди. Шундан сўнг бир

чеккага чўкишди.

Малик ўтирганларга разм солди: барчаси савлатдор-салобатли кишилар. Кўпчилигининг бағбақалари силкиллаб, ёноқларида чироқ ёғдуси ялтирар, лаб-лунжларини кулгидан йиғиб ололмасдилар.

Тўрда ўтирган, пахса елкалик, капалак нусха бўйинбоғ таққан барзангисифат киши ўрнидан туриб, қўлини кувача қилганча гулдиради.

- Жимлик сақлансин! Анекдот айтиш бир муддатга кечиктирилсин... Тш-ш!!! Қани, қадаҳларни тўлдиринг, дўстлар! Кечикканларга штрафной... Хўш, демак, алёр айтиш навбати оғайничалишимиз Ортиқали Охунжоновга!

Ҳамма чапак чалди. Зиёфат столининг ўрта қисмида ўтирганча тиззасидаги жингалак сочли бола оғзига санчиқда торт тиқаётган, ўзи ҳам худди шу боладек жингалаксоч ҳабашнусха одам томоқ қирганча ўрнидан қўзғалди.

Маликнинг шериги чапак чала туриб зиёфатхонадагиларни унга таништира бошлади.

- Даврани олиб бораётган тамада... Ҳа, ўша барзанги шаҳар савдосининг раиси бўлади...

- Йўғ-е, мен уни артистми дебман. Галстугини қараяр?!

- Артист ҳам бор, ҳув ана... - Бўриев бир чеккада тик турган кўйи ёнидаги хушбичим аёлга хушомад қилаётган соч-соқоли тутакин гўшт суяксиз бўлмайди... Биз йигирма нафар эдик. Ҳозир эса Шарифжон растрат қилиб қамалганлиги, Бибигулнинг фарзанд топиб, узрли равишда келолмаганларини ҳисобга олсак, қолганларимиз шу ерда жамулжаммиз. Ҳозир суяк кемирганга ўзимча ўйлаб кетдим. Ким эдигу ким бўлдик. Мана, масалан Одилжонни олайлик...

Одилжон - бақалоққина киши ўз номини эшитиб қалқиб кетди, оғзидаги чучвара шалоплаганча стол қирасига тушди, лунжини артишни ҳам унутиб анграйганча жойида қотди.

- Ана шу Одилжон, - сўзида давом этди нотиқ, - бир пайтлар номи Одилча эди. Ўзи билан бир партада ўтирадиган Салимахоннинг кетидан сарғайиб юрган бир савдойи эди...

Залда гур-р кулги кўтарилди.

- Энди эса Одилчамиз кимсан Одилбек Мирвоққосович! Катта бир супермаркетнинг директори! Қолаверса, Салимахон ҳам ҳожатбарор хизматдалар. Шаҳар марказий деҳқон бозорида ёзда «газ-сув», қишда «бляши» сотиб бемалол оиласини тебратаркан. Мендан эса Отелло чиқмасаям, ошпаз чиқди. Ошхонамдан одам аримайди, бироқ дўстлар учун ҳамиша бенавбат хизмат қилишга тайёрман! Шу қадаҳни...

Кейинги сўз навбати серҳаракатчан, жиккаккина кишига берилди.

- Бу оғайнинг нима иш қилади? - оҳиста сўради Малик. - Кўринишидан цирк-пиркда...

Бўриев лабини бурди.

- Бе-е, нима деяпсан?! Гавдасига ишонма... Пакана қассоб дея эшитмаганмисан? Асли исми Қўзибой. Қўзи бўлсаям любой ҳўкизингни ярим соатда каллапойча қилиб ташлайди... Жуссаси кичкина бўлган билан юраги катта. Мардимайдон! Ана шу ўтиришнинг ҳамма чиқимини ўз гарданига олган, азамат!

- Ўҳ-ў! - Малик пакана кишига ҳайратомуз тикилди. - Гавдага қарамасканда, а?

Бу орада Қўзи қассоб хона шифтига тикилганча узоқ ўй суриб қолди. Сўнг залдагиларга қараганча яна бироз термулиб турди. Охири, бўлмади шекилли, қўйнини кавлаб титилиб кетган дафтарини суғириб олди.

- Бу Қўзибой дейман, - кимдир сўз қотди. - Шпаргалкадан фойдаланиш касалинг ҳали ҳам йўқолмабдида, а?!

Ўтирганлар яна қаҳ-қаҳа отиб кулишди. Қўзи қассоб эса пинагини бузмасдан дафтарчасига қараганча сўз бошлади.

- Умр - оқар дарё дейдилар. Қани энди у дамлар, йўқ эди гамлар! Ёшлик бамисоли кузда иссиқ ўлкаларга учган қушлар каби учиб кетди. Қушлар яна баҳор қайтиб келишади, ёшлигимиз эса сапсем йўқолди...

Шундай дея Қўзи қассоб мастлиқданми, ҳаяжонданми ҳўнграб юборди.

- Бечора, - Бўриевнинг ҳам киприкларида ёш йилтиради. - Нияти шоир бўлиш эди. Деворий газетамизни ҳар сонида бир қизимизга мувашшах битарди. Ҳаёт қурсин, қалам эмас қўлига болта тутқазди...

Қассобдан сўнг сартарош, этикдўз, таксист, тренер, фермер ва яна аллақайси касб соҳалари сўзга чиқишди. Хулласи-калом «мартабадошлар машвараті» ниҳоятда мароқли ва кўнгилли ўтди. Ўтириш тугаб, қайтишаётганда шериги Маликдан сўраб қолди:

- Хўш, қалай? Базмижамшидимиз, умуман дўстларим сенга ёқдими?

- Бўлмасам-чи, - Малик миннатдорчилик билдирди. - Ростини айтсам қойил қолдим. Қара-я, бир синфдан шунча касб эгалари етишиб чиқибди-я!

- Бир синфдан дейсанми? - шериги шарақлаб кулди. - Қўйсанг-чи... Билсанг улар синфдошларим эмас, бир институт, бир факультетда ўқиган курсдошларим-ку!

Малик шеригига тикилганча ағрайиб қолди. Шу тобда унинг кўзига токчаю-сандиқларда чанг босиб ётган дипломлар кўриниб кетганди...

Муҳаммад ОЧИЛ

Абитуриент ҳангомалари

–ОТАНГИЗ КИМ?

Бу ҳангома Мустақиллик йилларидан аввал абитуриентлар орасида бўлган экан.

- Илтимос, имтиҳонга кирганда эшик қия очиқ қолсин, сенга тушган саволлар менга ҳам тушиши мумкин, - дебди бир абитуриент дўстига ва ичкаридаги савол—жавобни каллага «муҳрлай» бошлабди:

Савол: инқилоб қачон бошланган?

Жавоб: 1905 йилда бошланган, ўн икки йилдан кейин ғалаба қозонган.

Савол: илмий коммунизм асосчилари кимлар?

Жавоб: Энгельс, Маркс, Ленин давом эттирган.

Савол: ойда ҳаёт борми?

Жавоб: тахмин бор, лекин илмий асосланмаган.

- Баҳонгиз беш!

Шундан сўнг иккинчи абитуриент имтиҳонга кирибди:

Савол: Қачон туғилгансиз?

Жавоб: 1905... бошланган, орадан ўн икки йил ўтгандан кейин...

Савол: Отангизни билсак бўладими?

Жавоб: Биринчиси Энгельс. Маркс, Ленин давом эттирган.

Савол: Жинни-пинни эмасмисиз?

Жавоб: Тахмин бор домла, лекин илмий асосланмаган...

Ф. НУРМАТОВА тайёрлади.

СОВЧИ КЕЛСИН УЙИНГИЗГА

Юзларига сепкил тошган, лобар қизлар,
Ўтган-кетган изингиздан қарар, қизлар,
Тенгингизни Оллоҳ бир кун берар, қизлар,
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

Қиё боққан бу нигоҳни кимдир сезди,
Кимдир сизнинг қаҳрингиздан ёмон безди,
Йигитларнинг энг сараси сарсон кезди,
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

Қиз болани дерлар асли биров хасми,
Куёв бўлмиш бўйингиздан анча пастми,
Дугонангиз хат ташиши айтинг, ростми?..
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

Йигитлар бор, айтган сўзин ташлайверар,
«Сизсиз яшай олмайман» деб яшайверар,
Рад этсангиз... ҳатто кўзин ёшлайверар,
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

Бирин-кетин қалдирғочдай учасизлар,
Қанот қоқиб юлдузларни қучасизлар,
Висол они бахт шаробин ичасизлар,
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

Юзларингиз ёруғ бўлсин топар бахтдан,
Мен сизларга жой сўрадим тожу тахтдан,
Қадамингиз бунча тетик, бунча шахдам,
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин!

Ҳамид НОРҚУЛ



Дугонангиз хат ташиши айтинг, ростми?..

Келгуси сонда:

ЮГУРГАНГА БУЮРМАГАН ОЛТИНЛАР

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0577. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи:
А.ХЎЖАМОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
У.ДЎСМАТОВ
Терувчи:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.